



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Хайдарова Наргиза Анваровна

*ТДИУ "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси катта ўқитувчиси. Тошкент,
Ўзбекистон. nargiza1973khaydarova1973@gmail.com*

<https://orcid.org/0000-0001-5641-4454>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a6

Аннотация

Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида ишлайдиган ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги тизими, ходимларни меҳнатига ҳақ тўлашни автоматлаштирилганлигини ва шу кунга қадар энг кам иш ҳақи миқдорларни ошганлиги ва уларни УзАСБО дастурида ишлатилишини жорий этилиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш сўтларини жорий этилиши бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишни автоматлаштириш мақсадида бир нечта вазибалар юклатиб қўйилганлигини маълум қилинган. Бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларининг лавозим тариф ставкалари миқдорлари УзАСБО дастури орқали автоматлаштирилган тарзда кўрсатилган ҳамда уларга бухгалтерия ёзувлари орқали ёритилган.

Калит сўзлар: иш ҳақи, иш ҳақи тизими, рағбатлантириш, базавий лавозим маоши, тариф сетка, миллий даромад, меҳнат миқдори ва сифати, ижодий меҳнат, инновацион иқтисодиёт.

АВТОМАТИЗАЦИЯ УЧЕТА ОПЛАТЫ ТРУДА В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Хайдарова Наргиза Анваровна

Ташкент, Ўзбекистон. ТГЭУ, кафедра "Бухгалтерский учет" старший преподаватель

Аннотация

В данной статье разработаны научные рекомендации по внедрению действующей системы оплаты труда работников, работающих в бюджетных организациях, автоматизации оплаты труда работников и повышения минимального размера оплаты труда на сегодняшний день, а также их использование в программе УзАСБО и введение счетов по оплате труда. В статье сообщается, что на бюджетных организациях возложено несколько задач в целях автоматизации начисления заработной платы и приравненных к ней выплат. Размеры должностных тарифных ставок работников бюджетных учреждений и организаций автоматически указываются через программу УзАСБО и освещаются в бухгалтерских записях.

Ключевые слова: заработная плата, система оплаты труда, стимулы, базовый оклад, тарифная ставка, национальный доход, количество и качество труда, творческий труд, инновационная экономика.

AUTOMATION OF PAYROLL ACCOUNTING IN BUDGET ORGANIZATIONS

Abstract

This article develops scientific recommendations for the implementation of the current system of remuneration of workers working in budgetary organizations, automation of remuneration of workers and increasing the minimum wage to date, as well as their use in the UzASBO program and the introduction of payroll accounts. The article reports that budget organizations are assigned several tasks in order to automate payroll and equivalent payments. The sizes of official tariff rates of employees of budgetary institutions and organizations are automatically indicated through the UzASBO program and are covered in accounting records.

Key words: wages, wage system, incentives, base salary, tariff rate, national income, quantity and quality of labor, creative work, innovative economy.

Кириш

Ҳозирги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишни автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сабаби бюджет ташкилотларида кун сайин қайта ишланиши лозим бўлган ахборот миқдори ортиб бормоқда ва иқтисодиёт тараққиёти бу ахборотни қайта ишлашнинг мураккаблашиб боришига олиб келмоқда.

Бюджет ташкилотига режа асосида меҳнат ҳақи фонди белгиланади. Меҳнат ҳақи фонди режадаги ва ҳисоботдаги фондларга бўлинади. Вақтнинг муайян даврида ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш учун бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган пул маблағлари суммаси меҳнат ҳақининг режадаги фонди ҳисобланади. Муайян давр учун штатдаги ва штатдан ташқаридаги ходимларга ҳақиқатда ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси меҳнат ҳақининг ҳисоботдаги фонди ҳисобланади. Меҳнат ҳақи қайси вадтга тўланаётганлиги, миқдори ва бажарилган ишларнинг сифатига қараб асосий ва кўшимча меҳнат ҳақи бўлинади. Ходимларнинг ишлаган вақти учун ёки бажарган ишларининг миқдори ва сифати учун тўловлар асосий меҳнат ҳақи ҳисобланади. Ходимларга қонунда кўзда тутилган ишламаган вақти (таътил вақти учун тўлов, давлат ва жамоат вазифаларини бажарган даври учун тўлов, ўсмирларга имтиёзли соатлари учун тўлов ва бошқалар) учун тўловлар кўшимча меҳнат ҳақи ҳисобланади. Штатдаги ходимлар сони, меҳнат ҳақи ставкалари, ходимларнинг айрим категориялари иш стажини ва маълумоти ҳақидаги маълумотлар бўйича ҳамда ташкилотларнинг тармоқларини мўлжалланган кенгайтириш бўйича ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ҳақи фонди ҳисоблаб чиқилади. Бюджет ташкилотларининг штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш:

а) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетиде турувчи ташкилотларнинг штат жадваллари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида;

б) Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетиде, вилоятлар бюджетларида ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетиде турувчи ташкилотларнинг штат жадваллари - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида;

в) шаҳарлар ва туманлар бюджетиде турувчи ташкилотларнинг штат жадваллари - шаҳарлар, шаҳарларнинг туманлари ва туманлар молия бўлимларида амалга оширилади. Бюджет ташкилотларининг штатларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилган раҳбарлари томонидан тасдиқланган штатлар жадваллари рўйхатдан ўтказишга қабул

қилинади. Бюджет ташкилотларининг ходимларини лавозим маошлари ва таъриф турлари меҳнат ҳақи тўлаш бўйича тасдиқланган ягона тарификациялаш тизими (халқ таълими тизимида эса базавий таъриф сеткаси) асосида ўрнатилади, смета бўйича кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида рўйхатдан ўтказишга қабул қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

С.У. Мехмонов ва Д.Й. Убайдуллаевларнинг “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” номли дарслигида ходимларга ва стипендия олуши талабаларга иш ҳақида йўл қўйиладиган камомадларни инвентаризация далолатнома орқали унидириб олишини айтиб ўтилган.

А.Суванқуловнинг “Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими” номли ўқув қўлланмасида Таррақий этган давлатлар молия вазирлиги ва бошқа тармоқ вазирликлари учун давлат молиясини шакллантириш, ижро қилиш ва назорати бўйича функционал боғлиқ тарзда компьютер тизимини тузади ва доимий равишда такомиллаштиради. Бу яхлит – интеграллашган тизим, шу билан бирга, ихтисослаштирилган компьютер дастурлари, бюджетнинг барча даражаларига, маҳаллий бюджетларга ишлов бериш учун, давлат қарзини бошқарув вазибаларини оптималлаштиришда, бюджетдан ташқари фондарни шакллантириш ва бирлаштириш, маҳаллий молия органлари ва бошқа ташкилотларининг молиясини бошқариш функциялари учун алоҳида ихтисослашган дастурларни ўз ичига олади деб ғазначиликда ҳам автоматлаштиришни авзаллигини айтиб ўтган.

М.Остоноқулов “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” ўқув қўлланмасининг тўртинчи бобида “Бюджет ташкилотларида ҳисоб-китоблар ҳисоби” мавзусида ходимларнинг ишга қабул қилиниши ҳақидаги буйруқ ва ҳужжатларни электрон дастурларда қўлланилишини афзал тарафларини кўрсатиб ўтилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2022 йилдаги “Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сонли қарори¹ қабул қилинган.

Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тартибдаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари негизида Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ташкил этилган ва тасдиқланган.

Унда бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишни автоматлаштириш мақсадида бир нечта вазибалар юклатиб қўйилганлигини маълум қилинган. Улар қуйдагиларни ташкил этади:

- 2022 йил 1 майдан бошлаб бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ходимларнинг банк пластик карталарига ўтказиш учун ходимлар рўйхати (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) Молия вазирлигининг ахборот тизимидан

Марказий банкнинг ахборот тизими орқали тегишли тижорат банкининг ахборот тизимига фақат автоматлаштирилган тарзда электрон шаклда юборилади;

- 2023 йил 1 январдан бошлаб Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисоблашда Халқ таълими вазирлигининг тажрибаси жорий этилади.

2023 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотларининг бюджет сўровлари, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини қоғоз шаклида расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади ҳамда уларни тўлиқ электрон шаклда расмийлаштириш тартиби жорий этилади, бундан давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно деб Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2022 йилдаги “Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сон қарори қабул қилинди ва шу йили кучга киритилди.²

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида” ги фармонида қуйдагилар келтирилган.

1. 2022 йил 1 июндан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилсин.

2. 2022 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм ва базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 300 000 сўм этиб белгилансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланишлигини фармонда белгиланган.

Бюджет ташкилотларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича С.У.Мехмоновнинг Бюджет ҳисоби ўқув қўлланмасининг 248 бетида бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатларни сметалар ижросида амалга оширилишини айтиб ўтилган.³

М.Остоноқуловнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби дарслигида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уни ҳисоблашда асосан бюджет ташкилотларида УзАСБО дастурида харажатлар сметасида кўрсатилган маблағлар бўйича ҳисоблашларни айтиб ўтилган⁴

Кўриниб турибдики бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа жараёнларни автоматлаштирилган тарзда олиб борилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот олиб бориш давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш ва таққослама усуллар, монографик тадқиқот, иқтисодий таҳлил, статистика, абстракт-мантиқий

² <https://www.norma.uz.04.04.2022> йил

³ С.У.Мехмонов “Бюджет ҳисоби” ўқув қўлланма 248 бет

⁴ М.Остоноқулов “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” 2011 йил

фикрлаш, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, омилли таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бюджет ташкилотларида ходимларни иш ҳақини ҳисоблашда ташкилотларда УзАСБО дастури орқали автоматлаштирилган тарзда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг 285-бандига мувофиқ, иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун қўйидагилар асосий ҳужжатлар ҳисобланади: ташкилотнинг ишга қабул қилганлик, бўшатганлик ва ходимларни тасдиқланган штатлар жадвали ҳамда иш ҳақи ставкаларига мувофиқ жойдан-жойга кўчириш ҳақидаги буйруқлари, 421-шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби, иш ҳақини ҳисоблаш табели ва бошқа ҳужжатлар. Табеллар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган шахслар томонидан ҳар ойда белгиланган шаклда юритилади. Табеллар бутун ташкилот бўйича ёки тузилмавий бўлинмалар (бўлимлар, бўлинмалар, факультетлар, лабораториялар ва бошқалар)га бўлинган ҳолда юритилади. Ойнинг охирида табель бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори, шунингдек, ортиқча ишланган соатлар аниқланади. Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табель ва бошқа ҳужжатлар белгиланган муддатда иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун бухгалтерияга топширилади. Иш ҳақини ҳисоблаш табели Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115, 116, 118-моддаларига асосан тўлдирилади.

Бюджет ташкилотларида иш ҳақи ҳар ойда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими-вақтбай, иш натижаларига кўра ёки вақтбай-ишбай бўлишига қараб ҳисобланади.

Бунда қўйдаги қоидаларга риоя этилади:

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг тегишли фармонида биноан, 2022 йил 1 июндан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 12 фоизга оширилади. Ҳужжат аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқаролар даромадларини изчил оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

2022 йил 1 июндан бошлаб:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 920 минг сўм миқдорида (ҳозир 822 минг сўм);
- базавий ҳисоблаш миқдори — 300 минг сўм миқдорида (ҳозир 270 минг сўм) белгиланди.


Фармон билан иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилмоқда⁵ деб газета.uz да келтириб ўтилган.

Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини амалга ошириш жараёнида камомадлар, хизмат сафарлари, иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича ходимлар билан, стипендия тўловлари бўйича талабалар билан ҳисоблашувлар амалга оширилади.

Материал жавобгар шахслар билан йўл кўйилган камомадлар бўйича ҳисоблашувлар амалга оширилади. Бунда мулкый қийматликлар бўйича камомадлар ундириш вақтида бозор қийматида ундирилади. Йўл кўйилган камомадлар инвентаризация далолатномалари орқали акс эттирилади ва меҳнат қонунчилиги талаблари асосида ундирилади. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солиниши кўрсатилган. Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади. Хизмат сафари харажатлари бўйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашувлар амалга оширилади.

Аванс ҳисоботида илова қилинган ҳужжатлар ҳисобдор шахс томонидан уларнинг ҳисоботда ёзилиш тартибига қараб рақамлаб чиқилади. Бухгалтерияда аванс ҳисоботлари арифметик текшириб чиқилади, шунингдек, ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда маблағларни муайян мақсадлар учун сарфланганлиги текширилади. Текшириб чиқилган аванс ҳисоботлари ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Фойдаланилмаган аванс қолдиғи ҳисобдор шахс томонидан аванс ҳисоботи топширилгандан сунг уч кундан кечиктирмасдан ташкилот кассасига қайтарилиши лозим. Ҳисобдор шахсга олдин берилган аванс суммаси тўлиқ қайтарилгандан сунг янгидан аванс берилади. Ҳисоби бериладиган суммаларнинг сарфланганлиги ҳақида белгиланган муддатда аванс ҳисоботи топширилмаган ёки фойдаланилмаган аванс қолдиғи кассага қайтарилмаган ҳолларда ташкилотлар бу қарзларни аванс олган шахсларнинг иш ҳақларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Меҳнат муносабатларини, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни юридик асосини меҳнат тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар, хўжалик субъектиларнинг жамоа шартномаларини ва бошқа муайян меъёрий ҳужжатлар ташкил этади. Маълумки иш ҳақи, ўз навбатида, асосий ва қўшимча иш ҳақи бўлинади: Асосий иш ҳақи, ходимларни ишлаган вақти, бажарган ишининг миқдори ва сифатига асосан ҳисобланган иш ҳақи, тариф ставкалари, окладлар, мукофотлар, асосий иш вақтидан ташқари ишлаган иш вақтига ҳисобланган қўшимча иш ҳақи, ишчи айбига боғлиқ бўлмаган ҳолда туриб қолишларга ҳисобланган иш ҳақи ва шу каби бошқалар киради. Қўшимча иш ҳақи, бу меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган ишчининг ишламаган иш вақти учун ҳисобланган иш ҳақидир. Бунга ишчининг меҳнат таътили учун ҳисобланган иш ҳақи, вояга етмаганлар ўсмир ёшлар, аёллар ва бошқалар учун имтиёзли иш вақти учун ҳисобланган иш ҳақи, ишдан бўшаши муносабати билан ҳисобланган нафақа ва бошқалар киради.



1-расм. Асосий ва қўшимча иш ҳақи таркиби⁶.

Меҳнатга ҳақ тўлашни иккита шакллари мавжуд: ишбай ва вақтбай. Меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг ишбай шаклида иш ҳақи - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми, сифати, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмига кўра ҳисобланади. Меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг вақтбай шаклида меҳнат ҳақи ишланган иш соатларига мувофиқ, штатлар жадвалидаги таъриф ставкаларига асосланган ҳолда ҳисобланади. Таъриф сеткаси - бу разрядлар ва уларга тегишли бўлган таъриф коэффициентлари кўрсатиладиган ҳужжатлардир. Биринчи разряднинг таъриф коэффициенти бирга тенг бўлиб, разряд ортган сари таъриф коэффициенти ҳам ортиб боради. Таъриф ставкаси-ишчининг разрядига мувофиқ унга маълум вақт бирлиги (соат, кун) учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқлайди. Одатда таъриф ставкаси биринчи разряд учун белгиланади, қолган разрядлар учун эса биринчи разряд таъриф ставкасини қолган разрядлар таъриф коэффициентига йуналтириш йули билан аниқланади. Ходимнинг меҳнат ҳақини топиш учун разряд бўйича таъриф коэффициентини энг кам иш ҳақи миқдорига кўпайтириш орқали аниқланади.

Бюджет ташкилотларида 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида ташкилотнинг ходимлари билан иш хақининг барча турлари, мукофотлар ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Бу субсчётнинг кредит томонида ҳисобланган иш ҳақи суммаси, дебет томонида иш ҳақини тўлаб берилиши, иш ҳақига нисбатан ушланмалар акс эттирилади.

Бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларининг лавозим тариф ставкалари миқдорлари⁷

Тариф Разрядлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдаги 775-сон қарорининг 1-иловасида белгиланган ЯТСнинг тариф коэффициентлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138-сон қарорининг 2-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 сентябрдан 775-сон қарори билан тасдиқланган тариф коэффициентлари асосидаги, 2022 йил 1 июндан бошлаб киритиладиган тариф ставкалари МИҚДОРИ (сўм)
1	1,000	920 000
2	1,053	968 760
3	1,106	1 017 520
4	1,158	1 065 360
5	1,269	1 167 480
6	1,384	1 273 280
7	1,505	1 384 600
8	1,630	1 499 600
9	1,755	1 614 600
10	1,883	1 732 360
11	2,014	1 852 880
12	2,148	1 976 160
13	2,284	2 101 280
14	2,421	2 227 320
15	2,561	2 356 120
16	2,704	2 487 680
17	2,847	2 619 240
18	2,993	2 753 560
19	3,141	2 889 720
20	3,292	3 028 640
21	3,444	3 168 480
22	3,597	3 309 240

Мисол учун оладиган бўлсак бюджет ташкилотларини ходимларига иш ҳақиға ҳисобланганда, тўланганда ва пластик карточкаларга ўтказилганда 2-жадвалдаги бухгалтерия праводкалари берилади⁸.

2-жадвал

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи жужжат
1.	Ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланганда	231,241, 251, 261,271	173	421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вакти хисоби ва иш

⁷ Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

				хаки ҳисоблаш та
2.	Ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан ушланмалар амалга оширилганда: а) даромад солиғи	173	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	б) Пенсия жамгармасига бадал	173	163	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) Ходимлар иш закидан белгиланган тартибда шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари	160	162	Бухгалтерия маълумотномаси
	г) Касаба уюшмаси бадали	173	176	Бухгалтерия маълумотномаси
3.	Иш ҳақи кассадан таркатилганда	173	120	Касса чиким ордери
4.	Иш ҳақи пластик карточкаларга ўтказиб берилганда	173	232, 11-счётнинг тегишли суб счётлари	Шахсий ҳисобварақлардан кўчирма

Юқоридаги жадвалда бухгалтерия праводкалари ҳам ташкилотда ходимларни меҳнатига ҳақ тўлашни автоматлаштирилган дастур асосида ҳисоби юритилиб борилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда бюджет ташкилотларида ходимларнинг иш ҳақини ҳисоблашни «УзАСБО» дастурида автоматлаштиришни ташкил этиш, юритиш ва уларнинг ҳаракатини ҳисоботларда акс эттириш билан боғлиқ амалиётдаги ҳолатларни кузатиш мумкин.

Бу дастурнинг афзаллиги шундаки ҳозирги кунда барча ҳудудларда иш ҳақини ҳатосиз ҳисоблашда, иш унумини оширишда, бухгалтерияда маблағларни иқтисод қилишда қулайликлар яратади.

Дастлабки вақтда бу дастурдан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ташкилотлари фойдаланган. Ҳозирги кунда эса «УзАСБО» дастуридан Қорақалпоғистон Республикасидаги бюджет ташкилотлари ҳам тўлиқ фойдаланмоқда.

Бюджет ташкилотларида «УзАСБО» дастурини қўллашнинг қуйидаги афзалликларини айтиб ўтиш мумкин:

- бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг вақтлари тежалади ва ишнинг самараси ошади;

- Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган бухгалтерия ҳисоботлари ва методик кўрсатмалар ҳамда 2169-рақамли йўриқномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар дастурда намоён булади;

- дастур Web-технологияга асосланган бўлиб, ахборотлар базаси марказлашган ҳолда сақланади;

- дастурдан фойдаланиш интернет тармоғи орқали амалга оширилади;

- «УзАСБО» дастури ғазначилик дастури билан маълумотлар алмашиш

- барча фойдаланувчилар дастурнинг охириги версиясидан фойдаланишади;
 - маълумотлар базаси махсус серверларда сақланиб, ҳар кунлик маълумотлар архивация қилиб турилади;
 - фойдаланувчининг компьютери носоз ҳолатга келганида маълумотлар йўқолмайди ва фойдаланувчи бошқа компьютердан дастурда ишлашни давом эттириш имкониятига эга;
 - дастур интернет браузерлари орқали юкланиб, фойдаланувчи компьютеридан ортиқча жой эгалламайди;
 - дастурга кириб ишлаш учун керакли режим танланиб, унинг ичига кирилади ва керакли операциялар бажарилади. Дастурда моддий захиралар ҳисобини юритиш учун унинг асосий менюсидаги Ҳужжатлар (Документы) режимига кириб, ундаги моддий захиралар ҳисоби режимига кириш ва керакли операцияларни танлаш ҳамда реквизитларни кирита бошлаш керак.
- «УзАСБО» дастурида самарали ишлаш учун юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш, яъни бюджет ташкилотлари бухгалтерларининг мунтазам малакасини ошириб бориш, шунингдек, бюджет ташкилотлари электр энергия таъминотининг узилиш сабабларини таҳлил қилиш ва уни бартараф қилиш орқали унинг доимий равишда таъминланиши ва интернет ишлаш тезлигининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.⁹

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида фармони. 24.03.2022 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилган 2169- сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома». //http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1714689.
3. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011.
4. Мехмонов С.У. Давлат бюджети ғазна ижроси шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари. / «Давлат молиясини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари» Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2009 йил 2 декабрь. –241–243-б.
5. Хайдарова Н.А. “Бюджет ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини такомиллаштириш”. Монография. 2021
6. газета.uz. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/05/20/wages/>
7. <https://www.norma.uz>.
8. <https://www.norma.uz.04.04.2022> йил